

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Алишер Навоий номидаги
Самарканд Давлат Университети

Факултет: Ижтимоий – иктисодиёт

Йуналиш: Ижтимоий иш

Фан: Умумий социологияси

РЕФЕРАТ

Мавзу: Толкатт Парсонс ва унинг социологияда тутган ўрни

Бажарди: Саломов Д

Текширди: к.у. Шеров М

Самарканд -2014

Толкатт Парсонс ва унинг социологияда тутган ўрни

1. 1. Т.Парсонс социологик қарашларининг шаклланиши
2. 2. Структурал-функционал таълимот
3. 3. Социологиянинг умумназарий муаммолари
4. 4. Ҳозирги замон жамият тизими ҳақида
5. 5. Асосий тушунчалар ва таянч иборалар
6. 6. Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

- Т.Парсонснинг структурал-функционализм таълимоти жамиятнинг қайси муаммолари ечимини топишга кўмаклашади?

- Ҳозирги замон жамият тузимининг асосий муаммоларини нима деб биласиз?

- Эволюцион назариясининг Парсонсча талқини нима?

- Т.Парсонснинг анъанавий ва ҳозирги замон жамияти ҳақидаги қарашларида қандай муаммолар мавжуд?

Толкатт Парсонс (1902-1972) XX аср социологиясининг энг кўзга кўринган йирик вакилларида бири. Америкалик бу социолог ноёб истеъдод эгаси эди. У ўзига хос синтетик тафаккур эга бўлиб, табиатшунослик, иқтисод, социология фанлари сирларини чуқур ўрганди. У дастлабки мутахассислик бўйича илм олишни медицинани (Амхрест коллежи) ўрганишдан бошлади. У даврининг машҳур экономисти Уилтон Хомилтон унинг бўлғуси дунёқарашига катта таъсир этди. Унинг ижтимоий фанларга бўлган қизиқиши кучайди. Унинг тақдири мураккаб кечди. 1923 йил унинг битиришидан бир йил олдин унинг президенти Александр Миклджон томонидан Т.Парсонс ҳайдалди. Коллежда у ёқтирган профессорлардан ҳеч ким қолмади.

У биология, фалсафа, айниқса И.Контнинг «Соф ақлнинг танқиди» асарини чуқур ўрганди. У Англия адабиёти курсларида қатнашмоқчи эди.

Аспирантурада ўқишни жуда орзу қиларди, ҳатто медицина бўйича ҳам шуҳрат қозонмоқчи бўлди.

Т.Парсонс аспирантура учун ўтилатган, аммо дастури мукаммал бўлмаган социологияга қизиқди. Бобосининг ёрдамида Лондон иқтисод мактабида ўқиди. Мактабда Л.Г.Хобхауза, Р.Гани ва Х.Ласкининг қарашлари унга жуда ёқиб қолди.

Айниқса социал антрополог Бронислав Малиновский интеллектуал салоҳияти унга жуда катта таъсир этди. Амхерст коллежида иқтисод бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади, кўп вақт ўтмай у Макс Вебер таъсири жуда кучли бўлган Гейделберг шаҳрига юборилди. Мен, деб эслайди Т.Парсонс ўзининг «социализм газария тузилиши тўғрисида», «Интеллектуал автобиография» асарида, биринчи марта Макс Вебер ҳақида Амхерстдами ёки Лондондами эшитганимни эслолмайман. Аммо Макс Вебер асарлари менга катта таъсир этди. Унинг «Протестант этикаси ва капитализм руҳи» асарини инглиз тилига таржима қилдим. Аввал номзодлик диссертацияси ёқлашни унчалик режалаштирмаган эдим. Эдгар Замин раҳбалигида «Янги немис адабиётида капитализм тушунчаси» мавзусида диссертация ёзишга киришдим. Мен мунозарани Карл Маркс ҳақидаги мавзудан илмий тадқиқотимда нчалик таниқли бўлмаган иқтисодчи Луйло Brentano қарашларига тўхталдим. Асосий эътиборини Вернер Зомбартнинг «Ҳозирги замон капитализм» номли йирик асари ва Макс Вебер таълимотига қаратдим.

Илмий тадқиқотимда икки бош йўналиш:

1. Капитализмнинг социоэкономик тизим сифатидаги табиати;
2. Макс Вебер социологиянинг йирик назариётчиси;

Амхерстда ўқитувчиликнинг биринчи тили ҳамда диссертация устида нутқ билан ишлаш жараёнида иқтисод ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини ўрганишга киришиш зарурлигини сездим.

Номзодлик даражасини олганимдан сўнг факультет декани бўлиб келган Ричард Мердиам билан учрашдим. У менга катта ёрдам берди. Мердиам Гейделбергда олган иқтисодий билимимни янада чуқурлаштиришга

туртки берди ва ёрдам қилди. Немис «Dr.Phil» Америка фалсафаси докторига (ph.D) тенг бўлмасада мен унга давогар бўлмадим ва эришган натижамдан хурсанд бўлдим. Мердиам мени Гарвардга ўқитувчиликка тавсия берд ива жойлашишга ёрдам берди. Гарвардлик иқтисодчилар Т.Парсонс дунёқарашига катта таъсир этди. Айниқса, тарихчи-иқтисодчи Эдвинг Гей унга жуда самимий муносабатда бўлди ва ёрдам қилди. Иқтисод назария аста-секин мен учун ички назарий матрица бўлиб борди. Бунга яна социология назарияси ҳам қўшила борди. Мени, айниқса, Алфрейд Маршалл иқтисодий назарияси жуда қизиқтирди. Маршалл ўша давр «ортдоксал» ёки «неоклассик» иқтисодий назарияси бўйича дунёда жуда машҳур эди.

Маршаллнинг иқтисодий социологияси, яъни иқтисод билан социологияни бирга қўшилиши Парсонс учун келгусида шуҳрат қозонишга ва тўғри назарий йўл олишга имкон берди.

Паретоннинг иқтисодий назарияси ҳам ёш тадқиқотчи Парсонсга ҳам катта таъсир этди. Унинг социологик назариясига қизиқиши янада кучайди. Шумхстер, Паретоларнинг ҳам иқтисодий, ҳам социологик назариялари Парсонсда катта қизиқиш ўйғотди. Улар Маршаллнинг иқтисод ва социология соҳасидаги маълум ғояларни фарқини тушунишга катта ёрдам берди.

Умуман М.Вебернинг ҳозирги замон капитализм ҳақидаги таълимоти диссертациянинг бош мавзуси бўлиб, протестант аскитизм этикаси ва капитализм руҳи ҳақидаги концепцияси Маршалл-Парето-Вебер шаклланган илмий тизим «концепцияси»га олиб келди.

Т.Парсонс Эмиль Дюргеймни ҳам ўрганди. Айниқса, Эмиль Дюркгеймни тушуниш учун эса унинг «Ижтимоий меҳнат тақсимооти тўғрисида» (1893) асари ўзига хос калит ролини ўйнади.

Т.Парсонс Эмиль Дюргеймни ҳам ўрганди. Айниқса, Эмиль Дюркгеймни тушуниш учун эса унинг «Ижтимоий меҳнат тақсимооти тўғрисида» (1893) асари ўзига хос калит ролини ўйнади. Э.Дюргейм

карашлари Вебернинг капитализм ривожланиши ва Маршаллнинг эркин тадбиркорлик концепцияси билан боғланганлигини кўрсатди.

1937 йил Т.Парсонс тадқиқот натижаси сифатида «Социал ҳаракат тузилиши» китобини ёзиб тугаллади. Бу китоб турли муаллифларнинг ҳозирги замон соcio-экономик тартиб, капитализм, эркин тадбиркорлик ва бошқа назарий тузилмаларни таҳлил қилиш, шарҳлаш асосида вужудга келган эди.

Бундай концептуал схемаларни ўша даврдаги интеллектуал муҳитда ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятига эга эди.

1952-1957 йилларда Чикаго шаҳрида Рол Гринкер раҳбарлигида «Тизим назарияси» ҳақида доимий ишловчи конференция фаолият кўрсата бошлади. Бу ўқув дастурида кибернетик кузатув нафақат тирик тизимда балки шунга ўхшаш кўп турларда амалда қўлланиши мумкинлигини кўрсатди.

Ўша даврдаги йирик олимлардан бўлган Алфред Эмерсон органик Дуне тирик тизим билан инсон социомаданият дунёси тизими ўртасида фундаментал боғлиқлик мавжудлигига Парсонсни ишонтирди. Бу ўзига хос геннинг функционал эквиваленти ғояси «символ» эди. Бошқача айтганда бу тадқиқот турларнинг генетик конституцияси ва организм муаммоси ҳамда социомаданий тизим ўртасидаги ўзаро объектив боғлиқлик борлигини кўрсатди.

Маршалл-Парето-Вебер-Эмерсон тўрт олим таълимотларининг конвергенцияси (қўшилувчи) бўлган «социал ҳаракат тузилиши» Парсонсга катта касбий ва илмий шухрат келтирди. Бу концепцияда асосан ғарб жамиятининг ҳозирги замон ҳолати ҳақида гап борарди.

Т.Парсонс ғарб жамиятини капитализм ёки эркин тадбиркорлик сифатида таърифлади, сиёсий жиҳатдан эса демократия деб белгилаш мумкин, деди. Шу билан бирга XX асрда жамият инқироз аҳволида эканлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Парсонснинг тадқиқотларида биринчи социалистик давлат, фашистик ҳаракатлар, улуғ иқтисодий инқироз (1929-1930) каби ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам муҳим ўрин эгаллади.

1930-1936 йилларда унинг учала қизи ўсаётганлиги туфайли оила учун муаммо пайдо бўлди. Касб бўйича 9 йил оддий ўқитувчи: биринчи 4 йил иқтисод факультетида, сўнгги 5 йил Янги ташкил қилинган «социология» факультетида ўқитувчилик қилди. У ўз хотираларида Х.Бербон (иқтисод), П.А.Сорокин (социология) мени унчалик ёқтиришмас эди, деб ёзади.

Менинг ассистент даражасига кўтарилишимда штатсиз профессорлар Э.Ф.Гей, Э.Б.Уэлсон, А.Хендерсон катта рол ўйнайди. 1936 йил Хендерсон Гарвард Университети ректори Конант олдига мени иккинчи муддатга ассистентлик лавозимига тайинлаш ҳақидаги масалани қўйди. (албатта Сорокин билан келишилган ҳолда) ва икки йилдан кейин профессорликда доимий жой бўлади, деб ваъда берди. Ана шу шарт билан Гарвард Университетида ишлай бошладим, деб хотирлайди Парсонс.

Парсонс интеллектуал мақсадда Тауссиг Шумпеттер Гим билан жуда яхши алоқада бўлган. Хендерсон жуда оғир табиатли олиб бўлиб, унча мунча социологни тан олмасди. Хендерсон фан, айниқса, фан фалсафаси ва назарияси, фаннинг табиати бобида катта билимга эга эди.

Мени китобни ҳам танқидий ўқиди ва қимматли фикрлар берди. Машҳур шахслар билан ўтрсанг албатта Хендерсон ҳақида гапирарди. Унга “қизим соқол” деган лақаб беришган эди. Унинг “социал система ҳақида”ги асари босилиб чиқди. Ўша даврда олимлар ўртасида қуйидаги шиор устувор эди «нашр эттир ёки халок бўласан». Менга энг яхши асарни босиб чиқаришни маслаҳат беришди.

Социология билан шуғулланиш Т.Парсонсни психология ва социал антропологияга қараб етаклади.

Парсонс касбни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиб, ҳозирги замон индустриал жамияти табиатига хос концептуал схемани уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг ўқитувчилик фаолиятида қуйидаги хулоса очиқ кўзга

ташланди: «Олимлик касби ҳозирги замон жамиятида кўзга кўринарли, шарафли унвон». Бу ерда, деб ёзади Парсонс, - мафкурага асосланган «капитализм-социализм» алтернативаси ҳақида умуман эслатмайди. Икки мафкуравий позитция: ақл-идроқка асосланган «шахсий манфаати кўзда тутувчи капитализм ақидаси ҳамда жамоа манфаатини кўзловчи социалистик ақидаси асосидаги утилитар фикр, яъни индивид ўзининг эҳтиёжини қондириш устиворлигига, социалистик ақидаси эса коллектив манфаати (Гоббс ва Дж.Остинадан бошланган) устиворлигига асосланиб, ижтимоий эҳтиёжларини максимал даражада қондиради, деган хулоса мавжуд эди». Рационаллик табиати муаммосини ўрганиш, шунингдек, рационалликка асосланган билим билан ҳаракат қилишга эътиборни қаратдим.

Шунинг учун деб ёзади Парсонс, - “охирги курсда биологияга эмас, ижтимоий фанга боришга қатъий қарор қилдим. Менинг жамиятшуносликка кириш ишим (дастлаб тор маънода йўл излаётганимда ўқитувчи ва маъмуриятли бўлиб қолдим). Талабалик билимда отам Огайо штатида «Marietta College» президенти эди. У ўзининг карьерасини конгрегионаллик руҳонийси ва ўша даврдаги таъсирли «Социал евангелист» ҳаракатига кўшилишидан бошлади. Энди билсак бу ҳаракат АҚШда социология туғилишида кўп иш қилган экан”.

Одам ҳаракати биринчи навбатда индивидуал, шу билан бирга ижтимоий характери ҳамда нораціонал ва ирраціонал омилларни назарий билиш мумкинлигини ҳам истисон этмайди. Парсонс тадқиқотларида Фрейд ва нораціоналликнинг яроқлилиги тўғрисидаги, жумладан медицина рационалликни иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ўрни, умуман ҳар қандай ижтимоий ҳаракат таҳлилида диннинг ўрни, протестант этикасининг ижобий томонлари масалалари ҳам кенг ўрин олди. Бу уч соҳа (динни қўшганда тўртинчи) илмий фаолиятимда “рационаллик муаммоси” соҳасидаги ижодий қизиқиш структурасида деярли тўла эгаллаб олди, деб қайд қилади.

Сиёсий – иқтисодий мажмуадан социопсихологик томон кескин бурилиш, яъни нораціоналлик муаммосини Фрейд позициясида кўриш

муҳим аҳамият касб этди. Бунда “когнитив рационаллик”нинг хусусан медицина илми компонентининг маданий асоси сифатида етакчи мавзуга айланиши муҳим аҳамият касб этди.

Ҳаракатнинг умумий тизимида нафақат ўзаро боғлиқлик, шу билан бирга ўзаро бир-бирига киришиш ва таъсир мавжуд маданият тизимининг маълум компонентлари бир вақтнинг ўзида социал ва шахс тизимининг компонентлари бўлиб колмоқда эди.

Т.Парсонс 1946 йил Венада психоаналитик ўқиш ва семинарда катнашди. Уруш даврида Гарвард Университети профессорлигидан ҳарбий хизматга кетди. У ерда у “Европа ва Шарқ - Осиё” жамияти ҳақида маъруза ўқиди.

Уруш сўнггида хорижий иқтисод Бошқармасида маслаҳатчи бўлиб ишлади.

1944 йил Гарвард Университети социология факультети бошлиғи қилиб тайинланди. У факультетни бутунлай қайта тузди. 1945 йилда факультетда икки профессорлик жойи очилди. Биринчиси К.Романс илгари флот хизматига кетгунга қадар шу ерда ишлаган, икинчиси Сомюэл Стауффер ҳарбий идорада информация ва таълим бўйича бўлим раҳбари бўлиб ишлаган.

1946 йил кузида Университетда социал муносабатлар лабораториясини бошлғи бўлиб ишлай бошлади. Факультет социал антропология, социал ва клиник психологияни ўз ичига оларди. Факультет раҳбари сифатида 1956 йилга қадар ишлади. Парсонс 1942 йил Шарқ социолог жамияти Президенти 1949 йилда эса Америка социологик ассоциацияси президенти бўлиб ишлади. Парсонс раҳбарлигида ассосцияда катта ташкилий ишлар қилинди. Энг аввало аъзолари кўпайди ва унинг фаолияти тури ҳам кенгайди. Штатлар структураси ўзгарди. Маъмуриятчи ходимлар олинди. 1953-1954 йилларда Кембридж Университетининг штатсиз профессори бўлиб ишлади.

Бир неча вақт танаффусдан кейин яна Ассоcияда касб бўйича кўмита раҳбари, 5 йил котиб, «The American Sociologish» журнали бош редактори бўлиб ишлади.

Т.Парсонс 1937-1951 йилларда кўп китоблар ёзди.

Унинг илмий ва жамоатчилик фаолиятида ўқитиш ва тадқиқотлик функциясини қўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта бўлди. Икки катта китоби “Социал система ижтимоий тизим” ва “Социал ҳаракат структураси” (1951) ёзиб тугалланди. Бу илмий назарий изланишларининг маълум этапининг тугалланиши ҳамда уни янада теранроқ ва кенгроқ тадқиқ этишни давом эттиришга фундаментал асос бўлди.

Парсонс Шилз билан социал система даражасидан умуман социал ҳаракат даражасигача бўлган ўзгарувчан намуна схемасига мувофиқлик масаласи мунозараси бўлди.

1953 йилда Р.Бейлз Шилз билан ҳамкорликда «Ҳаракат назарияси бўйича ишчи дафтари»ни яратди. Бунда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган «тўрт функцияли парадигма» ғоясини яратиш бўлди. Бейлзнинг “Ўзаро таъсир жараёнининг таҳлил” китобдаги тўрт ўзгарувчан намуна Парсонс тўғри йўл олишга муҳим манба бўлди.

“Биз, деб ёзади Парсонс – шундай хулосага келдик: умуман ҳаракат тизимини жараён ва структура категориялари орқалигина охиригача таҳлил қилиш мумкин экан. Тўрт функцияли муаммо: “адаптация, “системали (алоҳида бўлмаган, мақсадга эришиш”, “интеграция”, социомаданиятли ўзаро таъсир жараёни ва унда рўй берадиган ҳаяжонни бошқариш, Парсонсни 1953-1954 академик йилида Кембридж Университетида “социал назария” мутахассислиги бўйича штатсиз профессорликка таклиф этилди. У ерга мени Альфред Маршалл ўқувига (унинг хотирасига бағишланган) таклиф этди, деб ёзади.

Социологиянинг мумтоз вакиллари:

- 1) 1) Ижтимоий дунёни тизим нуқтаи-назаридан қарадилар. Тизим эса эҳтиёж ва талабага эга бўлиб, буларни қондириш орқали тизимни яшашни таъминлаш мумкин.
- 2) 2) Тизимнинг норма лёки нонормал яшашида мувозанат ва гомеостатизм аҳамияти катта.
- 3) 3) Тизим қисмлардан, қисмлар ўз навбатида бутунни сақлашда роли каттадир. Демак, бутун ва қисм бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Т.Парсонс “Социал ҳараат структураси” (1937) асарида утилитаризм, позитивизм, идеализмнинг кучли ва заиф томонларини таҳлил қилди. Бу уч йўналишдаги назария ва назариялаштиришнинг социологияда тутган ўрнини алоҳида таъкидлайди. Т.Парсонс ҳаракат назариясини қуришда «аналитик реализм»ни ўз ўрнига қўйишни тавсия этди. Тушунча тизимни ишлаб чиқиш фикр мулоҳазалар тизимига нисбатан биринчилигини кўрсатди. Назарияда тушунчалар ҳукмдор қаторига кирмаслиги кераклиги, аввало бу аналитик тизимга дахлдорлиги баён этилади.

Т.Парсонс дунё тизимдан иборатлигини алоҳида таъкидлайди. У одамлар ҳамма вақт ўзларини рационал тутадиларми? Ҳақиқатдан ҳам улар эркин ва маълум қоидаларга итоат қилмайдими? Бошқа тизимлар билан рақобат қилаётган шароитда бошқариб бўлмайдиган қандай тартиб бўлади? Социология бу саволларга жавоб бериши керак, дейди.

Утилитаризмнинг маълум томонлари яхши фикрлардан: одамларни маълум мақсадларни кўзлаш (фойдали томонларни), ўзларини ҳаракатларида бир-бирини истисно қилувчи ҳолатлар бўлганда ўзини танловини амалга оширилишини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Позитивларни социал дунёни физик ҳодисалардаги сабаб-оқибат алоқаси нуқтаи-назари ва унда инсон ахлининг мураккаб символи функциясини инкор қилганлигини ҳам танқид қилди. Ижтимоий борлиқни физик параметрда қараш мумкин эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Идеализм «Идея» нуқтаи-назардан фойдалиги кўрсатилганлиги, аммо «идея» ижтимоий ҳаёт образидан ажралганлигини танқид қилди. Ваҳоланки, дейди у, ижтимоий ҳаётни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Т.Парсонсча «Валютаристик ҳаракат назарияси» қуйидаги элементларни ўз ичига олади.

1. «Актёр»-алоҳида шахс.
2. «Актёр» қандайдир мақсадни кўзлайди.
3. «Актёр»- ўз мақсадига эришиш учун альтернатив воситаларга эга.
4. «Актёр»- турли вазиятли шароитларга тўқнаш келиши (биологик табиати ва наслик, турли ташки экологик босим ва ҳк.)
5. «Актёр»- маълум қадрият, норма ва бошқа ғояларга таянади, яъни, бу идеалар нимани мақсад қилгани ва унга қандай эриши мумкинлигини кўрсатади.

Шундай қилиб ҳаракат «актёр»ни ўз фаолиятини — субъектив ҳал қилиши, мақсадга эришишида, нисбатан воситачи сифатида қаралади.

Бу ерда ҳаракат ғоя ва шароит босими асосида бажарилади.

Функция таҳлил эҳтиёж тушунчасини тақозо этади. Ижтимоий интеграция «ягона» тизим сифатида кўп «актёр»ларни амал қилиши, яхши интеграция булиши эса бошқа ҳаммасига ижобий таъсир қилишини кўрсатади.

Т. Парсонс: Ҳаракат тушунчасида яна ҳаракат тизимининг органик хоссасини кўрсатади, у 1945 йил бу таҳлил қандай шакл олиши кераклиги ҳақида тўхталиб ёзади: «Социал тизим структурасини бевосита «актёр»-вазият қўлидан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу кўп актёрларнинг ўзаро таъсирида вужудга келадиган шундай мураккаб ҳосиласи бўлиб, функционал таҳлил қилишни талаб этади, дейди.

Толқатт Парсонс томонидан ривожлантирилган эволюцион назарияси замонамиздаги энг таъсирчан назариялардан бири ҳисобланади. У ижтимоий эволюцияни биологик эволюциянинг кенгайиб бориши деб ҳисоблашни таклиф қилади, холбуки амалий жиҳатдан қараганда, бу икки эволюциянинг

хар иккала типини бирга қўшиб эволюцион универсаллар деб аталадиган атамалар тарзида тушуниш мумкин, яъни бунда тараккиётнинг шундай типлари англашиладики, улар бир неча ҳолларда бир-бирига боғлиқ, бўлмаган шароитда мавжуд бўлиши аниқланади ҳамда ўзининг ҳаётийлик даражасини анча ошириб боради. Табиат оламида кўз эволюцион универсалга бир мисол ҳисобланади. У жонли табиатнинг қандайдир алоҳида ажратиб қўйилган бурчагида тасодифий тарзда шунчаки пайдо бўлмай, балки бир неча турларда бир-бирига боғлиқ, бўлмаган ривожланиб борган. Кўрмайдиган турларга нисбатан олганда кўриш қобилияти атроф-муҳитдан мувофиқ, равишда қодир бўладиган реакциялар спектрини бекиёс даражада ошириш имконини беради ва шунинг учун ҳам ғоят улкан адаптацион қийматга эга бўлади. Биологик эволюциянинг барча олий босқичларида кўриш қобилияти барча ҳайвонлар учун зарурий бир белгига айланиб боради.

«Ҳар қандай инсоний маданиятда, деб таъкидлайди Парсонс, коммуникация асосий аҳамиятда касб этади».

Парсонснинг нуқтаи назарига мувофиқ, ижтимоий эволюцияни ижтимоий институтлар табақаланишини тезлаштирувчи бир жараён сифатида тушуниш ҳам мумкин, чунки жамият оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб боради. Жамиятларнинг дастлабки типлари жуда паст даражада табақалаштирилган бўлиб, улар учун Парсонс «Конструктив символизм» деб атаган хусусият характерлидир. Мазкур ҳолатда гап ижтимоий ҳаётнинг амалда барча жабҳаларига сингиб бораётган, асосан диний характерда бўлган тимсоллар (символ) тўплами мавжудлиги тўғрисида бормоқда. Ижтимоий эволюциянинг энг қуйи босқичда бўлган маданиятни мисол тариқасида келтирган Парсонс (худди Дюркгейм сингари) Австралия оборигенлари қабиласини қараб чиқди. Ушбу жамиятлар бутунлай қариндош-уруғчилик муносабатларига асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар, ўз навбатида, диний қарашларни ифода этади, шунингдек, улар хўжалик фаолияти орқали бир-бирига боғлиқ, бўлади. Мазкур жамиятларда

индивидларнинг шахсий мулклари жуда оз микдорда булган, кабила Дахийларининг мулки институт шаклида қандайдир фарқи шаклда мавжуд булмаган, чунки, яшаш учун зарур бўлган неъматларни овчиликдан ва йиғувчи-теримчиликдан топганлар.

Эволюциянинг шундан кейинги босқичи - бу «ривожланган қадимги жамият» даражасидир. Ушбу типда эталитар муносабатлар ўрнига стратификация тизими келади, бунда жамиятнинг синфий бўлиниши ҳам мавжуд бўлади. Қадимги ривожланган жамиятларда алоҳида ишлаб чиқариш тизими вужудга келиб, у чорвачиликка ёки деҳқончиликка, шунингдек, доимо яшаш жойи ўтроқликка асосланган бўлади. Дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларидан ажралиб чиқа бошлайди ҳамда диний раҳбарлик махсус ижтимоий гуруҳлар — руҳонийлар ёхуд қўҳонлар қўлига ўтади.

Мана шундай шкала бўйича ҳаракат қилиб борар эканмиз, Парсонс «оралиқ, жамиятлар» деб атаган жамиятларга дуч келамиз. Ушу бу термин билан купчилик муаллифлар маърифатли жамият деб атайдиган жамиятларни ёки Қадимги Миср, Рим ва Хитой сингари анъанавий давлатларни атайди. Бундай жамиятлар бир-бирлари билан ёзув ва саводхонлик вужудга келгани туфайли ўзаро алоқада бўлганлар. Турли сиёсий, иқтисодий ва оилавий муносабатлар шакллана борган. Мана шуларнинг ҳар бирининг пайдо бўлиши деб таъкидлайди Парсонс, жамиятнинг ўз таркибига кўпроқ кишилар оммасини жалб этиш имкониятларини кўп марта ошириб юборади.

Саноатлашган жамиятлар Парсонс эволюцион схемасида энг юқори босқични эгаллайди. Улар оралиқ типдаги жамиятларга қараганда ғоят кўпроқ даражада табақалаштирилган бўлади. Улардаги сиёсий ва иқтисодий тизимлар бир-биридан, шунингдек, қонун чиқарувчи тизимдан ва диндан қатъий равишда ажратиб қўйилган. Оммавий демократиянинг пайдо бўлиши бутун аҳолини сиёсий жараёнида иштирок этиши учун имконият яратиб беради. Саноатлашган жамият пайдо бўлгандан сўнг ижтимоий тузумларнинг қадимги типларининг деярли батамом йўқолиб кетишига олиб келди.

Т.Парсонс юқорида қайд қилинганидек, социология соҳасида кўпгина назария ва концепциялар яратди. Шулардан яна бири инсон ҳаракати яъни ҳатти ҳаракат билан боғлиқ, (тизим) муайян тизим бўлиб, уни ўзини-ўзи уюштирувчи тизим деб атайди ва уни қуйидаги регуллетив хусусиятларини символлик механизми мавжудлиги (тил, қадриятлар ва х.к) нормативлик, (яъни индивидуал ҳаракатнинг умум томондан норма ва қадриятларга боғлиқлиги) ва вамотаристик (ўғанадиган муҳит шароитида маълум даражада иррационаллик ва мустақиллик шу билан бирга субъектив аммо унинг маълум вазиятга боғлиқлиги) Парсонс ана шунинг асосида абстракт формаллашган ҳаракат тизимини моделини яратди.

Ўз ичига олувчи тузилмачалар:

(маданий, социал, шахсий ва органикли), ўзаро алмашиш муносабатларда бўлиши.

Фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар.

- 1.Т.Парсонс. Функциональная теория изменения. Москва 1994 г.
- 2.Т.Парсонс. Система современных обществ. Москва 1999 г.
- 3.Социология сегодня. Проблемы и перспективы Американской социологии. Москва, 1965 г.
- 4.История социологии в Западной Европе и США. Москва 1999 г.
- 5.Э.Гидденс. Социология. Москва 1999 г.
6. Американская социологическая мысл. Москва, 1996 г.